

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқшингиз мумкин.



Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга 2021 йилда 17,1 трлн сўм ажратилади

Президентнинг 16.10.2020 йилдаги ПҚ-4864-сон қарори билан 2021 йилда мамлакатимизнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг асосий параметрлари тасдиқланди.

Уни амалга ошириш учун 2021 йил Давлат бюджетига 17,1 трлн сўм назарда тутилиб ва яна 1,5 трлн сўм Президент топшириқларига мувофиқ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш харажатлари учун сарфланади. Дастурни шакллантириш ва амалга ошириш доирасида соҳа вазирликларига кўшимча вазифалар юклатилди.

2021 йилдан бошлаб бундай дастурлар доирасида қуйидаги тадбирларни молиялаштириш учун алоҳида сатрларда маблағлар назарда тутилади:

а) ЭИЗни, КСЗни ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш;

б) туман марказлари ва шаҳарларнинг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш. 2021 йилда бунинг учун 1,4 трлн сўм ажратилади. Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва пойтахт ҳокимликлари ажратилган маблағлар ҳисобидан қуйидаги ишларни амалга оширади:

➢ туман марказлари, шаҳарлар ва йирик аҳоли пунктларида парк зоналарини ривожлантириш, ташқи ёритиш, суғориш ва дренаж тизимларини яратиш, шунингдек, пиёда ва велосипед йўлакларини куриш;

➢ ҳар бир туман маркази ва шаҳарда камида биттадан марказий кўчани замонавий шаҳарсозлик лойиҳалари асосида режалаштирган ҳолда мукамал таъмирлаш.

Дастурнинг манзилли қисмига, биринчи навбатда, аввалги йиллардан ўтувчи ва қурилиш-монтаж ишлари якунланмаган объектлар, шунингдек, молиявий ресурслар билан тўлиқ таъминланмаганлиги сабабли тугатилмай қолган объектлар киритилади.

Шунингдек, уларни фойдаланишга топшириш учун зарур маблағлар назарда тутилади. Мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга мазкур ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан маблағлар ажратилиши муносабати билан, уларга йўналтирилаётган марказлашган инвестиция ҳажмлари мос равишда қисқартирилади. 2022 йилдан бошлаб эса бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига киритилади.

Қурилиш вазирлигининг ҳудудий бошқармаларига қуйидагиларни ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи функциялари ўтказилди:

➢ шаҳарлар ва шаҳар типидagi посёлкаларининг бош режаларини;

➢ қишлоқлар (овуллар) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини.

Бундан ташқари, кенг миқёсдаги норма ижодкорлиги ишлари режалаштирилган:

биринчидан, объектларнинг лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни қабул қилиш тизимини ҳамда ушбу соҳада давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий тартибларини янада такомиллаштириш режалаштирилмоқда. Хусусан:

➢ лойиҳа-смета ҳужжатларининг сифати, ишончлилиги ва асосланганлиги ҳамда меъморий ва техник ечимларнинг мақбуллиги юзасидан лойиҳа ташкилотларининг жавобгарлигини кучайтириш, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда объектнинг

тавсиявий қийматини эмас, чекланган қийматини аниқ белгилаш;

➢ шаҳарсозлик ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ва молиявий ресурслар билан таъминланмаган объектларда қуриш-монтаж ишларини амалга оширишга йўл қўйган юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш, шунингдек, тегишли ваколатларга эга бўлмаган шахсларнинг қурилиш жараёнига ҳамда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилишига аралашувини қатъиян тақиқлаш. Зарур ҳолларда, уларни жинсий жавобгарликка тортишни назарда тутувчи нормаларни қонунчиликка киритиш;

➢ 2022 йил 1 январдан бошлаб қурилиш-монтаж ишлари якунланганлиги тўғрисида қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияларининг фойдаланишга рухсати олинмаган объектларни жорий сақлаш учун Давлат бюджетидан маблағлар ажратмаслик;

➢ қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини жорий қилиш.

иккинчидан, «Давлат инвестицияларини бошқаришни баҳолаш (PIMA)» тизимини жорий этишни якунлаш кўзланмоқда. У дастлаб синов тартибида айрим тармоқларда қўлланилади, тажриба натижалари асосида босқичма-босқич қолган соҳаларга жорий этилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 17.10.2020 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

2-бетда

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ўзбошимчалик билан эгалланган ерлар учун ер солиғи

Кичик бизнес субъектлари пандемия даврида тақдим этилган ер солиғи бўйича имтиёздан фойдаланишади. Унга бўлган ҳуқуқ кадастр органида расмийлаштирилган ердан ташқари, баъзи корхоналарда фойдаланилмаётган объектлар банд қилган ер участкалари, шунингдек – кадастрда рўйхатдан ўтказмасдан ўзбошимчалик билан қўшиб олинган ерлар мавжуд. Имтиёз бундай ерларга татбиқ этиладими?

Buxgalter.uz ДСҚда мазкур масала бўйича тушунтириш олди.

2-бетда



Ушбу
сонда:

3-6-БЕТЛАР

Янги ҳужжатлар билан
таништирамыз

7-БЕТ

Жамоа шартномаси
қанчалик зарур?

8-БЕТ

Тугилганлик тўғрисидаги
ғувоҳномани йўқотдим...



РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАР

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

- «Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида».
- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**
- «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;
- «Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини шакллантиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТўҒРИСИДА*

Республика ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида экспорт ҳажмларини кўпайтириш орқали макрокитсодий барқарорликни таъминлаш, тайёр маҳсулот етказиб бериувчиларни қўшимча молиявий ва ташкилий рағбатлантириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022 йил 1 январга қадар **Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси** экспорт қилувчиларга, шу жумладан, асосий фаолият тури савдо-воситачилик бўлган экспорт қилувчиларга:

а) экспортдо молиялаштириш, шу жумладан, айланма маблағлар учун ажратиладиган кредитлар бўйича тижорат банки томонидан белгиланган **кредит фоиз ставкаси ва миқдоридан қатъи назар:**

миллий валютадаги кредитлар бўйича фоиз ҳаражатларининг **50 фоизгача**, бироқ **10 фоиз** банддан кўп бўлмаган миқдорда;

чет эл валютасидаги кредитлар бўйича фоиз ҳаражатларининг **50 фоизгача**, бироқ **5 фоиз** банддан кўп бўлмаган миқдорда **компенсациялар тақдим этади;**

б) тижорат банкларининг экспортдо молиялаштириш, шу жумладан, айланма маблағлари учун бериладиган кредитлари бўйича кредит суммасининг **50 фоизгача**, бироқ **8 миллиард сўмдан** ошмаган миқдорда кафиллик беради;

в) ижобий кредит тарихига эга бўлса, аввал олган кредитлари бўйича қарздорлиги бўлишидан қатъи назар, экспортдо молиялаштириш, шу жумладан, айланма маблағлар учун **қўшимча олинadиган кредитлари бўйича** мазкур бандда белгиланган миқдорлар ва шартларда компенсация ва (ёки) кафилликлар тақдим этади;

г) тақдим этиладиган кафилликлар бўйича комиссия тўловларини **икки бараварга камайтирилган** миқдорда учдиради.

2022 йил 1 январдан бошлаб Тадбиркорлик фаолиятини

қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сон «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва сўғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилсин.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) қуйидаги **қўшимча вазифалар** юклатилсин:

тижорат банкларига экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортдо молиялаштириш кредитлари учун **молиявий ресурслар ажратиш;**

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, хорижий банklar ва молия компанияларидан **экспортдо молиялаштириш учун маблағлар жалб этиш** ишларини ташкиллаштириш.

3. Агентликка юкланаётган қўшимча вазифаларни амалга ошириш учун унинг ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ресурс базаси қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантириладиган **Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин:

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан қайтармаслик шарти билан **100 миллион АҚШ доллари;**

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, хорижий банklar ва хусусий молия компанияларининг **қарзлари;**

Жамғарма маблағларини тижорат банклари депозитларига белгиланган тартибда жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси **бир ой мuddатда** мазкур Фармоннинг 3-бандида назарда тутилган 100 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағнинг 50 фоизини бошланғич капитални шакллантириш учун Жамғармага ажратилишини таъминласин.

5. Белгилансинки:

*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 22.10.2020 йилдан кучга кирди.

ушбу Фармонда назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 ноябрдаги ПФ-5587-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатдаги хом ашё товарларига нисбатан таътиб этилмайди;

Агентлик томонидан тижорат банкларига экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортолди молиялаштириш кредитлари учун бир марталик молиявий ресурслар **1 миллион АҚШ доллари** эквивалентидан ошмаган миқдорда ҳамда бир йилгача муддатга тақдим этилади;

Агентлик томонидан ажратиладиган молиявий ресурслар ҳисобидан берилган кредитни тўлиқ сўндирмаган экспорт қилувчи учун бундай молиявий ресурслар ажратишга йўл қўйилмайди;

тижорат банкларига экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортолди молиялаштириш кредитлари Агентлик томонидан ажратиладиган молиявий ресурслар ҳисобидан молиялаштирилганда, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсациялар тақдим этилмайди.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳар чорақда Агентлик ҳамда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларнинг Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб борилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон банклари ассоциацияси Инвестициялар

ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, экспорт қилувчиларнинг ташқи савдо операцияларини молиялаштиришнинг диверсификацияланган воситалари тўғрисидаги муқаддатда ишлаб чиқиши ва тижорат банклари амалиётига жорий этилишини таъминласин.

8. Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (С.У.Умурзаков) **бир ой муддатда** Агентлик томонидан тижорат банкларига экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортолди молиялаштириш кредитлари учун молиявий ресурслар тақдим этиш тартибини тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага** мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

10. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 21 октябрь
ПФ-6091-сон.

**Фармонга илова «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**АҲОЛИНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА***

Сўнгги йилларда аҳолининг кенг қатламини тадбиркорликка жалб қилиш ва уларнинг даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган «Хар бир оила – тадбиркор», «Ёшлар келажагимиз» ва бошқа ижтимоий дастурлар доирасида жами 13 трлн сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилиб, 600 мингдан зиёд оилаларни камраб олишга эришилди.

Мазкур дастурлар ҳудудларда аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, унинг турмуш тарзини яхшилаш ва иш билан бандлигини ошириш учун туртки бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, орттирилган тажриба ҳамда халқаро амалиёт комплекс ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи кредит олиш имкониятидан иборат бўлган яхлит тизимни шакллантиришни тақозо этмоқда.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга бўйича амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида:

1. Аҳолини, айниқса ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, микроолиялаш тизимини такомиллаштириш ҳамда тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги асосий йўналишлари амалиётга жорий этилсин:

аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланишга қизиқиши ва манфаатдорлигини ошириш;

аҳолида тадбиркорлик соҳасида зарурий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқитиш тизимини жорий этиш, мазкур жараёнга халқаро ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва нодавлат таълим ташкилотларини кенг жалб қилиш;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган микро-редитлаш тизимини институционал жиҳатдан такомиллаштириш ва ривожлантириш;

аҳоли тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга оид ижтимоий дастурларни иқтисодийётда амалга оширилаётган ислохотлар билан уйғун ва мувофиқлаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш;

тадбиркорлик кўникмаси ва тажрибасига эга бўлган аҳолини ва бошқа кичик бизнес вакиллари салоҳиятини рўёбга чиқариш орқали улар фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилган тўлақонли тизимни яратиш;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит тизимни ташкил этиш ва ягона давлат ташкилоти томонидан амалга оширилишини ва мувофиқлаштириб борилишини йўлга қўйиш.

2. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ёшлар ишла-

*Ушбу қарор қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 14.10.2020 йилдан кучга кирди.

ри агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тадбиркорлиқни ривожлантириш агентлиги ва барча бугиндаги ҳокимликлар ҳудудларида аҳолининг тадбиркорликка қизиқишини ва манфаатдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни ўзларининг асосий фаолият йўналишларидан бири сифатида белгиласин.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда тегишли вазирлик, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан халқаро ва маҳаллий экспертларни жалб этган ҳолда аҳолининг тадбиркорликка қизиқиши, турмуш даражасини яхшилашга интилиши ва манфаатдорлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган мотивация чора-тадбирлар дастурларининг тасдиқланишини таъминласин. Бунда муваффақиятли ёш тадбиркорлар ва тажрибали бизнес вакилларини жалб қилишга эътибор қаратилсин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди мазкур бандда келтирилган тадбирларни амалга ошириш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирокни таъминласин.

Ёшлар ишлари агентлиги аҳолига ўзининг турмушини яхшилаш, қасб-хунар ва бизнес билан шуғулланиш орқали даромад топиш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишнинг амалий жиҳатларини ўргатишга қаратилган «коучинг» видео материаллар ва дарсликлар, мотивация роликлар тайёрлаш учун танлов асосида ижтимоий буюртмалар жойлаштирсин.

3. 2020 йил 15 ноябрдан бошлаб ёшлар ва хотин-қизларни қасб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўйидаги тартиби ўрнатилсин:

Тадбиркорлиқни ривожлантириш агентлиги ва Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби томонидан маъқулланган дастурлар ва белгиланган талаблар асосида ташкил этилган ўқув курсларини тамомлаган ҳар бир битирувчи (ёшлар, хотин-қизлар) учун қасб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотларига сарфланган харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига 1 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда давлат томонидан компенсация қилинади;

қасб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари курсларини муваффақиятли тамомлаб, уларнинг сертификатини (кейинги ўринларда – махсус сертификат) олган шахсларга ўз бизнесини ташкил этиш учун мазкур қарорнинг 5-бандига мувофиқ микрокредит ажратилади.

4. Тадбиркорлиқни ривожлантириш агентлиги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби билан биргаликда:

2020 йил 15 ноябрдан бошлаб аҳолини қасб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш дастурларида иштирок этувчи нодавлат таълим ташкилотлари электрон реестрини шакллантириб борсин ва унинг ошкоролигини таъминласин;

2022 йил 1 январдан хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда халқаро стандартлар, шу жумладан Халқаро меҳнат ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тадбиркорликка ўқитиш дастурлари ва тизими асосида Тадбиркорликка ўқитишнинг ягона тизимини ишга туширсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра «Микрокредитбанк» АТБ томонидан нодавлат таълим ташкилотлари махсус сертификатини олган:

тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, шу жумладан ёшлар ва хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этиш учун 33 миллион сўмгача бўлган миқдордаги микрокредитлар таъминотсиз ажратилади;

микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга учинчи шахс кафиллиги, сугурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинган мол-мулклар гарови, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таъминот турлари асосида 225 миллион сўмгача миқдорда микрокредитлар ажратилади.

Бунда микрокредитлар 3 йил муддатга 6 ойгача имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида ажратилади.

6. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ёшлар ва хотин-қизларни қасб-хунар ҳамда тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш орқали тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни молиявий манба билан таъминлаш мақсадларига 100 миллион АҚШ доллари эквивалентда маблағ ажратсин. Ушбу маблағларнинг:

9 миллион АҚШ доллари эквиваленти Тадбиркорлиқни ривожлантириш агентлигига мазкур қарорнинг 3-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун бегараз асосда;

1 миллион АҚШ доллари эквиваленти Ёшлар ишлари агентлигига мазкур қарорнинг 2-бандида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун бегараз асосда;

90 миллион АҚШ доллари эквиваленти махсус сертификатини олган ёшларга (жами 45 млн доллар) ва хотин-қизларга (жами 45 млн доллар) кредитлар ажратиш учун «Микрокредитбанк» АТБга 7 йил муддатга 3 йил имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз бандга паст фоиз ставкасида йўналтирилсин.

«Микрокредитбанк» АТБ ушбу маблағларни мазкур қарорнинг 5-бандида кўрсатилган янгица тартибда микрокредитлаш мақсадларига йўналтирсин.

7. Белгилансинки, 2022 йил 1 июлдан бошлаб «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Ёшлар келажакимиз» ва бошқа оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш дастурлари доирасида давлат мақсадли ресурслари ҳисобидан кредитлар «Микрокредитбанк» АТБ томонидан тадбиркорлик йўналиши бўйича тегишли ўқув курсларини тамомлаган шахсларга ягона микрокредитлаш дастури асосида ажратилади.

8. «Микрокредитбанк» АТБ:

2021 йил давомида республиканинг барча туман ва шаҳарларида, шу жумладан рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали микромолиявий хизматлар кўрсатиш имкониятини яратувчи банк инфраструктуралари тармоқларини ташкил этсин;

ўзи операторлик вазифасини бажарувчи Микромолиялаш миллий тизимини яратиш ва унда бошқа кредит ташкилотларининг манфаатдорлик асосида иштирок этишини таъминловчи тизим жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин;

банкнинг қуйи бўғин ҳодимларини тўлиқ қайта тайёрлаш ва миқозга йўналтирилган хизмат кўрсатиш тизимини жорий қилсин. Бунда соҳада муваффақиятга эришган ва халқаро тан олинган хорижий молия институтларида ҳодимларнинг малака ошириши ва тажриба алмашишини ташкиллаштирсин;

махсус сертификат олган шахслар тўғрисида маълумот алмашиш мақсадида микрокредитлаш дастурларида иштирок этаётган қасб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари билан ўзаро электрон ахборот алмашишуви тизимини йўлга қўйсин.

Молия вазирлиги «Микрокредитбанк» АТБ бошқаруви таркибига ижтимоий йўналтирилган микрокредитлаш соҳасида етарли тажрибага эга бўлган хорижий малакали мутахассисларнинг жалб қилинишини таъминласин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Молия вазирлиги 2021 йилнинг 1 январига қадар «Микрокредитбанк» АТБнинг аҳолини, айниқса ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича янги бизнес моделини ишлаб чиқсин ва унда қуйидагиларга эътибор қаратсин:

микрокредит олиб кейинчалик барқарор тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ва ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтирган ёки камбағаллик рўйхатидан чиққан миқозлар сони ва улуши ошиб боришини банк фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан (KPI) бири сифатида белгилаш;

микрокредитлаш дастурлари доирасида касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга ошириш ҳамда микрокредитлаш мақсадларида аҳолини молиявий саводхонлик ўқитишни ташкил этиш;

микрокредит олган тадбиркорлар фаолиятини доимий кузатиб бориш ҳамда уларга маслаҳат ва кўмак бериш институтини шакллантириш;

банк миқозлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун харидорлар топиш ва бозорларни кенгайтиришда кўмаклашиш.

10. Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги мазкур қарорда аҳолини тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида келтирилган механизмлар, хусусан уларни ўқитиш, микрокредит ажратиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш борасида ваколатли давлат органи этиб белгилансин. Бунда Агентлик:

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда аҳоли ва тадбиркорларни тадбиркорликка ўқитиш бўйича ишларни ташкил этади, мувофиқлаштиради ва бу борада ягона тизимни шакллантиради;

«Микрокредитбанк» АТБ билан биргаликда тадбиркорлик бўйича ўқув курсларини тамомлаб ва кейинчалик микрокредит олиб фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини мониторинг қилиб боришнинг ягона «рақамли» тизими жорий этилишини таъминлайди;

доимий мониторинг ва таҳлил асосида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришни (йириклаштиришни) рағбатлантирувчи молиявий ва номолиявий қўллаб-қувватлаш чораларини такомиллаштириш ва янги-ларини жорий этиш бўйича таклифлар киритиб боради;

иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар билан ўзаро мувофиқлиги ва тўлдирувчанлигини таъминлаш вазифаларидан келиб чиқиб барча турдаги хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва механизмлари ишлаб чиқишини ва амалга оширилишини таъминлайди.

11. Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда аҳолини касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш дастурларида иштирок этувчи нодавлат таълим ташкилотлари электрон реестрини шакллантириш ҳамда уларнинг ўқитишга сарфланган харажатларни компенсация қилиш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, шу жумладан қуйидагилар назарда тутилсин:

нодавлат касб-хунар таълими ташкилотлари ва мутасадди идоралар ўртасида ўқувчиларнинг давоматини реал вақт режимида мониторинг қилиш, махсус сертификатга эга битирувчилар тўғрисида маълумотлар олиш имкониятини берувчи идоралараро электрон ҳамкорликни жорий этиш;

нодавлат касб-хунар таълими ташкилотлари фаолиятини энг асосий мезон сифатида уларнинг натижадорлиги, шу жумладан махсус сертификат олган битирувчиларнинг тадбиркорлик ва касб-хунар бўйича фаолиятини бошлаганлигидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш бориш;

компенсация тақдим этишда ошкоралик ва ҳаққонийликни таъминлаш, мазкур жараёнда турли хил суиистеъмолликлар қилинишининг олдини олишга қаратилган коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимини яратиш.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 июлдаги ПҚ-4782-сон қарорига мувофиқ Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 2 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларига ёшлар ва хотин-қизларни кичик тадбиркорликка жалб қилиш лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга йўналтириш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

13. Белгилансинки, мазкур маблағлар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ресурс базасини оширишга йўналтирилади ва эксперимент тариқасида кенг аҳоли қатламларини тадбиркорликка ўқитиш ва унга жалб қилиш лойиҳаларини амалга оширадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидагича тартибда фойдаланилади:

нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг аҳоли қатламларини тадбиркорликка ўқитиш ва уларга микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат комплекс дастурларини амалга ошириш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан танлов асосида 5 йил мuddатда, жумладан бир йиллик имтиёзли давр билан йиллик 4 фоиз ставкада қарз маблағлари ажратилади;

нодавлат нотижорат ташкилотларига қарз маблағларини ажратиш учун танловни ўтказиш ҳамда улар билан ижтимоий шериклик тўғрисида шартномаларни тузиш Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги томонидан амалга оширилади;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларига ажратилган қарзнинг бир қисмини микрокредит ташкилотларига шартнома асосида ресурс сифатида жойлаштиради;

нодавлат нотижорат ташкилотларига қарз маблағларини ажратиш учун танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги томонидан Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва мустақил экспертлар иштирокида ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда ўқув курслари билан қамраб олинadиган ҳудуд ва аҳоли сони, микроқарз фоиз ставкаси, ўқув дастурлари сифати каби асосий мезонларга асосан таклифларни баҳолашни назарда тутadi.

Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги бир ой мuddатда нодавлат нотижорат ташкилотлари орасида мазкур маблағлар ҳисобидан қарз ажратиш бўйича танловларни эълон қилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ажратилadиган маблағларнинг самарали ва мақсадли фойдаланилиши устидан мониторинг ўрнатсин.

14. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотларига мазкур қарорнинг 13-бандига мувофиқ тақдим этиладиган қарз маблағлари ҳисобидан микроқарзлар микрокредит ташкилотлари томонидан кенг аҳоли қатламларига, шу жумладан ёшлар ва хотин-қизларга қуйидаги шартларда ажратилади:

қарз олувичи нодавлат нотижорат ташкилотларининг молиявий саводхонлиқни ошириш, касбий ва тадбиркорлик кўникмаларни шакллантиришга қаратилган дастурлари талабларига мос келиши лозим;

микроқарзлар тадбиркорлик ва даромад олишга қаратилган мақсадлар учун бир қарз олувиҳа 25 миллион сўмдан ошмаган миқдорда ажратилиши лозим;

микрокредит ташкилотлари қарз олувичи томонидан шартномага мувофиқ мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш шартисиз, шу жумладан бир-бирларини қўллаб-қувватлайдиган гуруҳ қафиллиги асосида микромолиявий хизматлар кўрсатишга ҳақли.

15. Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб:

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда олинадиган давлат божи маблағларининг 20 фоизи Савдо-саноат палатасига йўналтирилади;

давлат активларини сотишдан тушадиган маблағларнинг Савдо-саноат палатасига йўналтириладиган қисми 3 фоиздан 5 фоизгача (Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига йўналтириладиган қисмини камайтириш ҳисобидан) оширилади.

16. Тадбиркорлиқни ривожлантириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

бўйича ваколатли офислари очилсин ва уларнинг намунавий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Тадбиркорлиқни ривожлантириш агентлигининг ташкилий тузилмаси ва марказий аппарати тузилмаси 2 ва 3-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда икки ҳафта муддатда Тадбиркорлиқни ривожлантириш агентлигининг ва Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг низомларини тасдиқласин.

17. Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги икки ой муддатда манфаъдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатлари мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ва Марказий банк раиси М.Б.Нурмуратов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 13 октябрь
ПФ-4862-сон.

**Қарорга 1–3-иловалар «СБХ»да чоп этилмайдۇ. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИЖТИМОЙ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ДОИР ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

Таълим ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, лойиҳаларни тайёрлаш жараёнида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари иштирокини кенгайтириш ва яқиний натижаларга эришиш юзасидан мутасадди раҳбарларнинг масъулиятини ошириш, шунингдек, 2021–2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини (кейинги ўринларда – Дастур) сифатли шакллантириш мақсадида:

1. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги 2021 йил учун Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Дастурни амалга ошириш учун 17,1 трлн сўм, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини Президентини топшириқларига мувофиқ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш харажатлари учун 1,5 трлн сўм маблағлар ажратилишини кўзда тутсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасини ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида куйидаги тадбирларни молиялаштириш учун алоҳида сатрларда маблағлар кўзда тутилади:

а) эркин иқтисодий зоналарни, кичик саноат зоналарини ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш;

б) туман марказлари ва шаҳарларнинг меъморий қиё-

фасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ажратилган маблағлар ҳисобидан куйидаги ишларни амалга оширадۇ:

туман марказлари, шаҳарлар ва йирик аҳоли пунктларида парк зоналарини ривожлантириш, таққи ёритиш, сугориш ва дренаж тизимларини яратиш, шунингдек, пиёда ва велосипед йўлакларини қуриш;

ҳар бир туман маркази ва шаҳарда камидан биттадан марказий кўчани замонавий шаҳарсозлик лойиҳалари асосида режалаштирган ҳолда мукамал таъмирлаш.

3. Белгилансинки:

туман марказлари ва шаҳарларнинг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш дастурига 2021 йилда 1,4 трлн сўм маблағ ажратилади ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари параметрларида алоҳида сатрда кўзда тутилади;

Дастурни шакллантиришда тегишли вазирлик, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан таклифлар мазкур қарорга 1-иловада кўрсатилган 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг асосий параметрлари доирасида Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлигига киритилади;

Дастурнинг манзилли қисмига, биринчи навбатда, аввалги йиллардан ўтувчи ва қурилиш-монтаж ишлари яқунланмаган объектлар, шунингдек, молиявий ресурслар

*Ушбу қарор қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 17.10.2020 йилдан қучча кирди.

билан тўлиқ таъминланмаганлиги сабабли тугатилмай қолган объектлар киритилади ҳамда уларни фойдаланишга тошириш учун зарур маблағлар кўзда тутилди;

мудосаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга мазкур ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан маблағлар ажратилиши муносабати билан, уларга йўналтириладиган марказлашган инвестиция ҳажмлари мос равишда қисқартирилади;

2022 йилдан бошлаб бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар Ўзбекистон Республикасининг иқтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига киритилади.

4. Шаҳарлар ва шаҳар типидagi посёлкларнинг бош режаларини, шунингдек, қишлоқлар (овуллар) фуқаролар йиғинларни ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи функциялари Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаларига ўтказилсин.

Қурилиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда туман маркази ва шаҳарларнинг бош режалари ҳамда батафсил режалаштириш лойиҳалари ва қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқишни жадаллаштирсин.

5. 2021 йилда инжиниринг хизматларини кўрсатиш учун эксперимент тариқасида хусусий тadbиркорлик субъектлари жалб этиладиган объектлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қурилиш вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

эксперимент доирасида буюртмачи функцияларини бажаришга жалб қилинадиган хусусий тadbиркорлик субъектлари рўйхатини энг яхши тақлифларни танлаб олиш натижаларига кўра аниқласин;

объектларни буюртмачи хизматларининг функцияларини бажаришга жалб қилинадиган хусусий тadbиркорлик субъектлари орқали молиялаштириш, шунингдек, улар учун газ-начилик шахсий ҳисобварақларини очини назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

6. Дастурни шакллантириш ва амалга ошириш доирасида:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ва бирламчи тиббий-санитария муассасаларининг (қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, тез ёрдам станциялари ва шошилинч тиббий ёрдам муассасалари) моддий-техник базасини ривожлантириш ва уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлашнинг устуворлигини таъминлаш, тармоқда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кенгайтириш бўйича зарур чораларни кўрсин;

б) Халқ таълими вазирлиги: умумтаълим мактабларини жиҳозлаш учун ажратиладиган маблағларни 2 бараварга кўпайтириш ҳисобига хизмат муддати 10 йилдан ошган ўқув парталарини 2021–2022 йилларда тўлиқ янгилашни назарда тутсин;

биринчи навбатда, янги барло этилаётган массивларда мактаблар қуриш, навбатлилик коэффициентини 1,5 дан юқори бўлган умумтаълим мактаблари қувватларини ошириш, таъмирталаб мактабларни капитал таъмирлаш ва спорт зали мавжуд бўлмаган мактабларда спорт заллари қуриш, шунингдек, касб-ҳунар коллежларининг бино-иншоотларини қўзда тутиш мақсадлар учун самарали фойдаланишни кўзда тутиш;

в) Мактабгача таълим вазирлиги: мактабгача таълим ташкилотлари, биринчи навбатда, аҳолиси нисбатан зич жойлашган ва қамров даражаси паст бўлган аҳоли яшаш пунктларида ҳамда янги барло этилаётган массивларда қурилишини таъминласин;

Тошкент шаҳри, вилоятлар марказлари ва шаҳарларда асосан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида мактабгача таълим ташкилотларини қуришни, олис ва аҳолиси тарқоқ жойлашган ҳудудларда эса оилавий мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этишни кенг жорий қилсин;

г) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тасаруфидида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идоралар:

олий таълим муассасаларини қуриш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағларини кенг жалб қилсин ҳамда тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағларнинг бир қисmini йўналтирсин;

олий таълим муассасаларини замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш даражасини оширишга грант ва хорижий кредитларни кенг жалб қилиш, хусусан хорижий ҳамкорлар билан биргаликда нодавлат олий таълим муассасаларини ташкил этиш чораларини кўрсин;

д) Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва «Ўзсубтаъминот» акциядорлик жамияти:

аҳолининг ичимлик ва оқова сув таъминоти қамрови даражасини ошириш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини модернизация қилиш ишларига Давлат бюджети маблағлари билан бир қаторда хорижий молия институтларининг кредити ҳамда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тadbиркорлик субъектлари маблағларини жалб қилиш ишларини жадаллаштирсин;

олис, тоғ, чўл ва аҳолиси тарқоқ жойлашган ҳудудларда аҳолини сув билан таъминлашнинг муқобил шаклларини, шу жумладан давлат иқтимоий буюртмалари асосида йўлга қўйсин;

ичимлик суви таннархини пайсаятириш ва сув йўқотишларини камайтириш мақсадида, соҳага ажратиладиган маблағларнинг 10 фоизини энергия тежамкор ускуна-жиҳозларни ўрнатиш ва махсус техникаларни харид қилиши йўналтирсин;

е) Транспорт вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитаси:

халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш ишларига халқаро молия институтлари ҳамда хусусий шерикларнинг маблағларини кенг жалб қилсин;

ажратиладиган маблағларни, асосан, серқатнов, тирбандлик юқори бўлган, таъмирга муҳтож ва иқтимоий жиҳатдан муҳим бўлган маҳаллий аҳамиятдаги йўллар, туман ва шаҳар марказларини аҳоли пунктлари билан боғловчи йўллар ҳамда шаҳар ва қишлоқлардаги ички ҳўжалик йўллари, йўл ўтказгичлар ва кўприқлар қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларига йўналтирсин;

ж) Сув ҳўжалиги вазирлиги: ажратиладиган маблағлар ҳисобидан, асосан, ўзининг тизимидagi ирригация ва мелиорация объектларини (йирик сув иншоотлари, магистраль ва ҳўжаликларини тармоқларни) қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, йирик гидротехник иншоотларни хавфсиз эксплуатация қилишга қаратилган тadbирларни амалга оширсин;

ички ҳўжалик сугориш тармоқларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари фермер ҳўжаликлари ҳамда кластерларнинг маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилишини кўзда тутиш;

з) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги:

муассадди вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан мазкур бандда назарда тутилган чоралар амалга оширилишини мувофиқлаштирсин;

иктимоий соҳа ва инфратузилма лойиҳаларининг манзилли рўйхатлари мазкур қарорга 1-иловада келтирилган асосий параметрларга мувофиқ шакллантирилишини таъминласин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

жорий йил 20 октябрга қадар иқтимоий соҳа ва инфратузилма объектларининг дастлабки манзилли рўйхатини умумлаштириш ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига киритиш учун тегишли вазирлик ва идораларга тақдим этсин;

тегишли идоралар билан биргаликда жорий йил 1 ноябрга қадар давлат-хусусий шериклик шартлари асосида 1 тадан кўп тармоқли соғлиқни сақлаш муассасаси, 2 тадан умумтаълим мактаби, 3 тадан мактабгача таълим ташкилоти ва 1 тадан спорт-соғломлаштириш иншоотини қўшимча равишда барпо этиш юзасидан 2021 йил Дастурига киритиш бўйича тақлифлари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим қилсин.

8. Молия вазирлиги ва Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги жорий йил 1 ноябрга қадар 2021–2023 йилларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириладиган иқтимоий соҳа ва инфратузилма лойиҳалари рўйхатини шакллантириб, Дастурига киритиш учун Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим қилсин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги жорий йил 20 октябрга қадар Дастурга киритиладиган, тегишли вазирлик, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тақлифлари асосида шакллантирилган иқтимоий соҳа ва инфратузилма лойиҳаларининг дастлабки манзилли рўйхатини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамаси Раёсатига киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли вазирлик, идора, лойиҳачи ташкилотлар ва Қурилиш вазирлиги билан биргаликда жорий йил 20 ноябрга қадар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган дастлабки манзилли рўйхат асосида объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиши ва экспертизадан ўтказилишини таъминласин.

Бунда, объектларнинг техник топшириқлари мавжудлиги, уларнинг лойиҳа ечимлари ҳамда зонавий энергия тежамкор қурилиш материалларидан фойдаланилганлигига алоҳида эътибор қаратилсин, шунингдек, буюртмачилар томонидан лойиҳа ташкилотларини энг яхши тақлифларни танлаб олиш натижаларига кўра аниқлашга рухсат берилсин.

Вазирлик, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари лойиҳа-ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва экспертизадан ўтказилган объектларнинг яқиний манзилли рўйхатини жорий йил 20 ноябрга қадар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим қилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги жорий йил 25 ноябрга қадар Дастур лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Вазирлар Маҳкамаси жорий йил 1 декабрга қадар Дастур лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

10. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда жорий йил 1 декабрга қадар 2021 йилда шаҳар ва қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш дастури параметрларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Қурилиш вазирлиги тегишли идоралар билан биргаликда илгор ҳорижий тажрибани ўрганган ҳолда 2021 йил 1 февралга қадар:

а) қурилиш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишлари якунланган объектларнинг кафолат муддатини белгилаш масаласини танқидий кўриб чиқиб, ушбу муддатларни объектларнинг тури, хавф-хатарлар тоифалари, функционал мақсадлари ва мураккаблик даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) объектларнинг лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни қабул қилиш тизимини ҳамда ушбу соҳада давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий тартибларини янада такомиллаштириш бўйича қўйидагиларни назарда тутуви қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

лоyiҳа-смета ҳужжатларининг сифати, ишончилиги ва асосланганлиги ҳамда мезморий ва техник ечимларнинг мақбуллиги юзасидан лойиҳа ташкилотларининг жавобгарлигини кучайтириш, шунингдек, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда объектнинг тасвирий қийматини эмас, келганган қийматини аниқ белгилаш;

шаҳарсозлик ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ва молиявий ресурслар билан таъминланмаган объектларда қуриш-монтаж ишларини амалга оширишга йўл қўйган юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш, шунингдек, тегишли ваколатларга эга бўлмаган шахсларнинг қурилиш жараёнига ҳамда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилишига аралашувини қатъинан тақиқлаш, зарур ҳолларда, уларни жинсий жавобгарликка тортишни назарда тутуви нормаларни қонунчиликка киритиш;

2022 йил 1 январдан бошлаб қурилиш-монтаж ишлари якунланганлиги тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари қошидаги қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияларининг фойдаланишига рухсати олинмаган объектларни жорий сақлаш учун Давлат бюджетидан маблағлар ажратмаслик;

қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини жорий қилиш.

12. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги тегишли идоралар билан биргаликда:

2021 йил 1 апрелга қадар Халқаро валюта жамғармаси ва бошқа халқаро тузилмалар ҳамкорлигида «Давлат инвестицияларини бошқариш баҳолаш (PIMA)» тизимини жорий этиш бўйича ташкилий-техник ишларни бажариш, зарур ҳужжатларни тайёрлаш, тегишли хулосаларни олиш ва меъёрий базани шакллантириш билан боғлиқ чора-тадбирларни якунласин;

2021 йил 1 августга қадар мазкур бандда назарда тутилган тизимни дастлаб синов тарққасида айрим тармоқларда қўллаш ва унинг натижалари асосида кейинчалик босқич-босқич кенг жорий этиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов ва Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 16 октябрь
ПҚ-4864-сон.

**2021 йилда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИЖТИМОЙ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАУЗИЛМАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИНИНГ
АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ**

млрд сўм

| T/p | Маблағлардан фойдаланиш йўналишлари | Капитал қўйилма* |
|-------------|---|------------------|
| I | Ижтимоий соҳалар, шу жумладан: | 5450 |
| 1. | Олий таълим муассасалари | 700 |
| 2. | Умумтаълим мактаблари шундан, жиҳозлашга | 2050 200 |
| 3. | Мактабгача таълим ташкилотлари | 900 |
| 4. | Тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар | 1200 |
| 5. | Жисмоний тарбия ва спорт | 400 |
| 6. | Маданият ва санъат | 150 |
| 7. | Илм-фан ва инновация | 50 |
| II | Мухандислик-коммуникация тармоқлари, шу жумладан: | 900 |
| 1. | Сув таъминоти ва канализация | 800 |
| 2. | Иссиқлик таъминоти | 100 |
| III | Йўл-транспорт инфратузилмаси, шу жумладан: | 2600 |
| 1. | Автомобиль йўллари шундан, кўприклар ва йўл ўтказгичлар | 2200 400 |
| 2. | Темир йўл транспорти ва метро | 400 |
| IV | Ирригация ва мелиорация, шу жумладан: | 1100 |
| 1. | Ирригация тармоқлари ва иншоотлари, БВО «Сирдарё», БВО «Амударё» | 800 |
| 2. | Мелиорация тармоқлари ва иншоотлари | 300 |
| V | Бошқа йўналишлар, шу жумладан: | 6150 |
| 1. | Туман марказлари ва шаҳарларнинг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш | 1400 |
| 2. | Эркин иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги йirik ишлаб чиқариш лойиҳаларини муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш | 1000 |
| 3. | Ёпиқ қисм | 1300 |
| 4. | Мудрофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар | 900 |
| 5. | Маъмурий ва бошқа объектлар шундан, бош режа, ҳудудларнинг архитектура-режалаштириш лойиҳаларини (АРП) ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини (БРП) ишлаб чиқиш | 1550 150 |
| VI | Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари | 900 |
| ЖАМИ | | 17100 |

*Манзилли рўйхатни тасдиқлаш жараёнида ўзгариши мумкин.

**2021 йилда ИНЖИНИРИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ УЧУН ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ЖАЛБ
ЭТИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАР
РЎЙХАТИ**

| T/p | Объект номи |
|-----------|--|
| I | Янгидан қуриладиган объектлар: |
| 1. | Учтела туманидаги 283-сон мактабнинг 540 ўринга мўлжалланган янги ўқув блоки |
| 2. | Бектемир туманидаги 289-сон мактабнинг 630 ўринга мўлжалланган янги ўқув блоки |
| 3. | Яшнобод туманидаги 23-сон мактабнинг 630 ўринга мўлжалланган янги ўқув блоки |
| 4. | Яшнобод туманидаги 61-сон мактабнинг 630 ўринга мўлжалланган янги ўқув блоки |
| 5. | Миробод туманидаги 83-сон мактабнинг 630 ўринга мўлжалланган янги ўқув блоки |
| II | Реконструкция қилинадиган объектлар: |
| 1. | Олмасор туманидаги 4-сон (собиқ) 180 ўринли мактабгача таълим ташкилоти биноси |
| 2. | Яккасарой туманидаги 358-сон 720 ўринли мактабгача таълим ташкилоти биноси |
| 3. | Яшнобод туманидаги 203-сон умумтаълим мактаб биноси |
| 4. | М.Улугбек туманидаги 35-сон умумтаълим мактаб биноси |
| 5. | Юнусобод туманидаги 53-сон умумтаълим мактаб биноси |

*Объектлар рўйхатига Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати қарорига асосан ўзгартiriш киритилиши мумкин.

Соатбай ставка бўйича ҳақ тўлаш

Корхонада ишлайдиган ходимлар учун ҳақиқатда ишланган соатларга қараб ҳақ тўлаш билан сменали иш графиги тузилган.

Штат жадвалини тузишда ушбу ходимларнинг маошлари қандай кўрсатилади? 1 соат учун тўланадиган ҳақни кўрсатиш лозими ёки МҲЭКМни?

– Саволдан келиб чиқадиги, корхонада меҳнатга вақтбай ҳақ тўланади. Шу боис штат жадвалида соатлик ставка, яъни 1 соат ишлаганлик учун меҳнат ҳақ тўлаш миқдори кўрсатилишини тавсия қиламиз.

Бунда иш ҳақи муайян ойда ҳақиқатда ишланган соатлар учун ҳисобланади. У ишланган соатлар сонини соатлик ставка миқдорига кўпайтириш орқали ҳисобланади. Соатлик тариф ставкаси ойлик тариф ставкасини иш вақти нормасига бўлиш орқали аниқланади.

Соатбай ставкани белгилашда ходимларнинг иш вақти графиги, иш вақти нормаси бажарилиши учун ходимга белгиланган бир ойдаги соатлар сони ҳисобга олиниши лозим ҳамда натижада иш ҳақи ходимларнинг меҳнатида ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан (МҲЭКМ) кам бўлмаслиги керак.

МҲЭКМга қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантирувчи тўловлар, нормал иш вақтидан четга чиқишларда оширилган иш ҳақи, шунингдек туман коэффициентлари бўйича тўловлар қўшилмайди.

Ўриндош қанча вақт ишлайди

Ходима корхонада асосий иш жойи бўйича ишлайди. Шунингдек у бошқа ташкилотда 0,5 ставкада ўриндошлик бўйича ишлайди. Иш куни жамлаб ҳисобланганда асосий иш жойи ва ўриндошлик бўйича 12 соатни ташкил этади.

Ходим яна бир ташкилотда ўриндошлик асосида ишлаши мумкинми?

Табелда иш вақти қандай қўйилади?

– Асосий иш жойи бўйича иш берувчи ходим ўриндошлик бўйича қаерда ва қандай тартибда ишлаётгани учун жавобгар бўлмайди, шунингдек унга бу ишда ишлашни тақиқлаб қўйишга ҳақли эмас (ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 6-банди).

Асосий иш жойи бўйича иш берувчининг мажбуриятларига фақат белгиланган намунадаги ўриндошлик бўйича ишлаш учун ходимга маълумотнома бериш киради. Иш вақти табелини ўз ходими учун асосий иш жойи бўйича унинг юкламаси ва меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўриндошлик бўйича иш вақтини ва юкламасини ҳисобга олмаган ҳолда тўлдирилади.

Иш берувчилар ўриндошлик бўйича ишга қабул қилишда иш вақтини ҳисобга олиш табелини мустақил юритадилар. Тўлов ишланган вақтга мутаносиб тарзда ёки ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан тўланади (МК 160-м.; Низомнинг 11-банди).

Қуйдагилар назарда тутилиши лозим:

– ўриндошнинг иш вақти давомийлиги ушбу тоифадаги ходимлар учун белгиланган иш вақти нормасининг ярмидан ошмаслиги лозим;

– ўриндош учун иш вақти давомийлигининг ҳар кунги ярим нормасига риоя этилиши мумкин бўлмаган тақдирда, иш вақтини жамланган ҳолда ҳисоблаб юритишга йўл қўйилади. Иш вақти жамланган ҳолда ҳисоблаб юритилганда ўриндошлик асосида иш вақтининг умумий давомийлиги ҳисобга олинмайдиган давр учун ўриндошлик асосидаги лавозим бўйича иш вақти нормасининг ярмидан ортиқ бўлмаслиги керак. Бунда ҳисобга олинмайдиган давр 1 ойдан ортиқ бўлмаслиги, кунлик ишнинг (сменанинг) давомийлиги эса – 12 соатдан ортиқ бўлмаслиги керак (Низомнинг 7-банди);

– ўриндош билан тузиладиган меҳнат шартномасида иш вақтининг давомийлиги мажбурий тартибда кўрсатилади (Низомнинг 8-банди).

Қонун ҳужжатларида ходим ташкилотда ўриндошлик асосида ишлаши юзасидан бирор-бир чекловлар назарда тутилмаган.

Ташкилот янги ходимни ишга қабул қилмоқчи. Унда 2 та меҳнат дафтарчаси бор экан. Биринчиси меҳнат фаолиятини бошлаганда берилган. Кейин йўқотилган. Охиридан олдинги иш жойига жойлашишда унга янги меҳнат дафтарчаси очилган. Аввалги иш жойидан ишдан бўшатилгандан кейин унинг биринчи меҳнат дафтарчаси топилган. Иккинчи меҳнат дафтарчасини очган ташкилот 2019 йил охирида тузатилади.

Ходимда иккита меҳнат дафтарчаси бўлганда, ташкилот ёзув киритиш учун қайси меҳнат дафтарчасини танлаши лозим?

Меҳнат дафтарчаси – сақлашга


– Ходимнинг биринчи меҳнат дафтарчасини асос сифатида сақлаш учун қабул қилиш тавсия этилади.

Биринчи меҳнат дафтарчасига иккинчи меҳнат дафтарчасидаги барча ёзувларни кўчириб ўтказишнинг ҳамда имзо ва муҳр ўрнига қуйдагиларни кўрсатиш мумкин: « N дан N гача бўлган ёзувлар N сессияли меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар асосида киритилган».

Бундан кейин ташкилотнинг ишга қабул қилиш ва бошқа ишга ўтказишлар ҳақидаги ёзувлар амалга оширилади. Шу тариқа, сиз ходимнинг тўлиқ меҳнат стажини сақлаб қолишингиз мумкин. Шунингдек унга иккинчи ташкилотдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотнома архивдан олишни тавсия қилинг.

Бир вақтнинг ўзида таъкидлаб ўтиш жоизки, охириги ташкилот меҳнат дафтарчасини йўқотган ходимга янги меҳнат дафтарчасини эмас, балки дубликатини очини ва унга ходим томонидан тақдим этилган архив маълумотномаларига асосан аввалги меҳнат фаолияти ҳақидаги барча ёзувлар киритилиши лозим (АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 4.1–4.5-бандлари).

ЯММТ ишлаб чиқувчилари ҳозирги пайтда ходимларнинг қоғоз шаклида-



ги меҳнат дафтарчаларини сақлашга қабул қилишни тавсия қилмайдилар. Бироқ Меҳнат кодексига ва Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритилмаганлиги боис қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчаларини юритиш ва сақлаш ЯММТда меҳнат шартномаларини параллел равишда рўйхатдан ўтказиш ва электрон меҳнат дафтарчаларини яратиш зарурий шарт деб ҳисоблаймиз. Қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчаларидаги меҳнат стаж тўғрисидаги маълумотлар вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси миқдорини аниқлаш учун асос бўлади, чунки у стажга боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, аввалги иш жойларидан маълумотлар қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчасидаги ёзувларга асосан электрон меҳнат дафтарчасига киритилади.

Жамоа шартномаси зарурми

Корхонада 35 киши ишлайди. Ходимлар манфаатдор бўлмаганлиги сабабли жамоа шартномаси ҳеч қим билан тузилмаяпти.

Ходимлар хоҳламаган тақдирда, жамоа шартномасини тузмаса ҳам бўладими ёки тузиш шартми?

– Тарафлар томонидан талаб этилмаганда, жамоа шартномасини тузмаса ҳам бўлади.

Жамоа шартномаси – корхонада бир томондан иш берувчи ва бошқа томондан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатдир (МК 29-м.).

Ташкилотда на ходимлар ва на иш берувчи жамоа келишувларини ўтказиш ва жамоа шартномасини тузишни талаб этмаса, жамоа шартномаси тузиш шарт эмас. Бир тарафда жамоа шартномасини тузиш мажбурияти фақат иккинчи тарафдан жамоа келишувларини бошлаш тўғрисидаги ёзма хабарнома олинганидан кейингина юзага келади. Тегишли ёзма хабар олган тараф етти кунлик муҳлат ичида музокараларга киришиши шарт (МК 31-м.).

Корхонада ходимларнинг жамоа шартномасини тузишни рад этиши объектив бўлиши учун унинг мақсади ва принциплари ҳақида тушунтириш ишлари олиб боришни тавсия қиламиз.

Жамоа шартномасида корхонанинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа шартлар, шу жумладан қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган нормалар ва қоидаларда кўрсатилганига қараганда имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иқтисодий шартлар ҳам киритилиши мумкин. Булар қўшимча таътилар, пенсияларга тайинланадиган устамалар, муддатдан илгари пенсияга чиқиш, транспорт ва хизмат сафари харажатлари учун компенсациялар, ходимларни ишлаб чиқаришда ҳамда уларнинг болаларини мактабда ва мактабгача тарбия муассасаларида текин ёки қисман ҳақ тўланадиган тарзда овқатлантириш, бошқа қўшимча имтиёз ва компенсациялар бўлиши мумкин (МК 37-м. 3-қ.).

Иш берувчининг манфаатларини ифода этувчи шахслар жамоа шартномаси мажбуриятларини бузганлик ёки бажармаганлик учун жавобгар бўладилар (МК 34-м.; МЖТК 49-м.).



ИЗОХ

Ижтимоий тармоқларда Россияда ишлаш ҳуқуқини берувчи патентни расмийлаштириш учун рус тили, Россия тарихи ва қонунчилиги бўйича тестни Ўзбекистонда топшириш тўғрисида турли изоҳлар билдирилмоқда.

Россияда ишлаш ҳуқуқини берувчи патентни Ўзбекистонда расмийлаштириш мумкин

Рус тили, Россия тарихи ва қонунчилигини билиш сертификати патент олиш учун мажбурий ҳисобланади.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон–Россия муносабатлари тарихида биринчи мартаба Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ҳамда Россия Халқлар дўстлиги университети (РУДН) ўртасида имзоланган келишувга мувофиқ рус тили, Россия тарихи ва қонунчилиги бўйича тестни Ўзбекистонда топшириш ва тегишли сертификат бериш имконияти яратилган.

Ушбу имконият Ўзбекистон фуқароларига бир неча қўлайлик яратмоқда. Мисол учун, бу сертификатни Ўзбекистонда олиш фуқаролар учун молиявий харажатларни камайтиради. Сабаби, Россия ҳудудида патентни расмийлаштириш ўртача 20–30 кун вақт талаб этилади. Ушбу вақт оралиғида фуқаронинг ишлаши мумкин эмас ва табиийки, бу меҳнат мигрантларидан яшаш ва овқатланиш учун ортиқча харажат талаб этади.

Фуқаро Ўзбекистонда бўлган пайтда рус тили тестини топшириши Россияда бўлган пайтга қараганда камроқ харажатларни талаб қилади. Шу билан бирга, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва РУДН ўртасида тuzилган шартномага мувофиқ тестни топшира олмаган фуқаролар қайта тест топшириш учун ҳеч қандай тўлов тўламайди.

Ижтимоий тармоқларда билдирилган изоҳларда бир йил муддатга бериладиган сертификат ҳақида гап кетмоқда. Ўзбекистонда эса сертификат беш йилга берилди. Патент ҳар бир йил учун янгитдан расмийлаштиришини инобатга олган ҳолда, Россия ҳудудида берилётган сертификат нархи анча юқори бўлиб чиқади.

Бундан ташқари, бир йиллик сертификат Россиянинг фақат битта ҳудудида, беш йиллик сертификат эса бутун Россия ҳудудида амал қилади.

Мухими, Россияда сертификатни олиш тест топширгандан кейин 3 кундан 7 кунгача вақт талаб этади. Ўзбекистонда эса тестнинг эртаси кuni сертификат берилди.

Қайд этиш лозимки, Россия Ички ишлар вазирлигининг патент учун ҳужжатларни расмийлаштирадиган «Паспорт ва виза хизмати»нинг ўзбекистондаги ваколатхонасининг очилиши, патент учун тиббий кўриқдан Ўзбекистонда ўтишни ташкил этиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Бу эса фуқароларга патентни олиш учун қўшимча қўлайликлар яратади.

ЎЗА.

Низоли уй

2015 йилда онамдан мерос қолган уйни олдим, ҳаммасини нотариал расмийлаштирдим. Сўнгра у ерда яшамайдиган опамни суд тартибидеа пропискадан чиқардим. Опам уйга киритиш ҳақида судга мурожаат қилди. Биринчи инстанция суди уйга киритишни рад этди, бироқ апелляция инстанция опамнинг даъвосини қаноатлантди. Ҳозирги пайтда опам уйга пропискага ўтмоқчи ва менадан уй дафтариини беришимни талаб қиялпти, рад этган тақдиримда суд орқали бунга эришишини айтяпти.

Суд уй дафтариини опамга менинг розилигимсиз уйга прописка қилиниши учун беришга мажбурлай оладими?

Суд ўз ташаббуси билан опамни низоли уйдан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаши мумкинми?



– Фуқароларга шахсий мулк ҳуқуқида тегишли бўлган уйларга прописка қилиш уй дафтариини бўйича амалга оширилади (Тартибнинг 1-банди, АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқномага 27-илова).

Уй дафтариини қуйидаги ҳолатларда тақдим этилади:


- фуқароларни прописка қилиш ва пропискадан чиқаришни расмийлаштириш учун – ички ишлар органларига ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига;
- ҳарбий ҳисобга қўйиш ва ҳисобдан чиқариш учун – мудофаа ишлари бўлимига.

Уй дафтариини ички ишлар, текширув, дастлабки тергов, суд органлари, мудофат ишлари ва давлат статистика бўлими ходимларининг талабига биноан тақдим этилади (Тартибнинг 3-банди).

Шу тариқа, суд муҳокама пайтида уй дафтариини талаб қилиб олишга ва уйдан фойдаланиш ҳуқуқини белгилашга ҳақли.

«Такрорий» гувоҳнома

18 ёшдаман, Тошкентда Мирзо Улугбек туманида туғилганман, ҳозир Миробод туманида яшайман.



Иўқолган туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномамни қандай тиклашим мумкин? Қаярга мурожаат қилишим керак? Тиклаш муддатлари қандай?

– Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома манфаатдор шахсларнинг аризасига кўра ва тегишли далолатномалар ёзувларига асосан ФХДЭ органлари томонидан қайтадан берилди, бу ерда фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларининг биринчи нуҳуси сақланади.

Туғилганлик тўғрисидаги такрорий гувоҳнома фуқаролик ҳолати тўғрисидаги далолатнома ёзуви қайд этилган шахснинг ўзига, унинг ота-онасига ёки қонуний тартибда расмийлаштирилган ишончномага эга бўлган бошқа шахсларга берилди.

Такрорий гувоҳнома олиш тўғрисидаги аризада ариза берувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, манзили, шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг серияси ва рақами, ким томонидан ва қаерда берилган, гувоҳнома олиши зарур бўлган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, далолатнома ёзуви қачон ва қайси ФХДЭ органи томонидан берилганлиги, такрорий гувоҳнома олинишининг сабаблари кўрсатилиши лозим.

Такрорий гувоҳнома олиш истагини билдирган шахс бевосита далолатнома ёзувини рўйхатдан ўтказган ФХДЭ органига ёки яшаш жойидаги ФХДЭ органи орқали мурожаат қилиши мумкин.

Такрорий гувоҳнома олишни сўраб мурожаат қилинганда, аризани қабул қилган яшаш жойидаги ФХДЭ органи аризани далолатнома ёзуви қайд этилган ФХДЭ органига ижро этиш учун юборади.

Ариза берувчи далолатнома ёзувини қайд этган ФХДЭ органига мурожаат қилганда, такрорий гувоҳнома шу куннинг ўзидаёқ берилди.

Такрорий гувоҳномани олишда ариза берувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилиши лозим.

Берилётган гувоҳномаларнинг юқори қисмида «Такрорий» ёзуви қайд этилади.

Такрорий гувоҳномани берганлик учун давлат божи БХМнинг 15% миқдоридеа (Миқдорларнинг 5-банди «д» қичик банди, 6.01.2020 йилдаги ЎРҚ-600-сон Қонун билан тасдиқланган) ҳамда герб йиғими БХМнинг 15% миқдоридеа (ВМнинг 25.04.2012 йилдаги 119-сон қарори 5-банди) ундирилади.

Санжар Хўжааҳмедов,
«Norma» МЧЖ эксперти.



Эълон

«Жавоб берамиз» инфокиоскига хуш келибсиз

Солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳуқуққа оид мавзулардаги саволларингизга электрон кўлланмалар ва газета материаллари муаллифлари жавоб берадилар.

Жавобларни norma.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» эксперт хизмати электрон ахборот киоскидан толасиз.

Саволларни қуйидагича бериш мумкин:

- ✓ аввал norma.uz сайтида рўйхатдан ўтиб, мурожаатни электрон кўришида жўнатган ҳолда;
- ✓ (71) 200-00-59 бевосита алоқа телефони орқали (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача).

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ
ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «НОРМА» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта шеанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
уринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш
масалалари бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
(71) 231-07-91 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашр – «ТОПРИТ» МЧЖнинг компьютер базисида терғилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўғоз Ёчим – А3. Ҳажми – 2 боҳим табоқ. Баҳоси келтирилган нарҳда.
Бюорتما г-1022. Адади 535. Газета 2020 йил 26 октябрь соат 17.00 да топширилди.